



100170, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri,
Mirzo-Ulug'bek tumani, Mustaqillik shoh ko'chasi,
107.

107, Mustakillik avenue, Tashkent city,
100170, Republic of Uzbekistan

Tel: 998 (71) 267-35-92, (71) 267-37-42. e-mail: info@uzcsd.uz, uzcsd@exat.uz
Hisob raqami (the settlement account): 20210000604014949001, «Ipak yo'li» AITB Mirobod filiali, MFO 01101, INN 203021987, OKONX 96190

13 fevral 2024 yil.

02/10-741-son

“BIOKIMYO” АЖ корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш тўғрисида

ХУЛОСА

Қайси корхона учун тайёрланди

“BIOKIMYO” АЖ

Юридик манзил

112 004, Узбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, Кимёгар кўчаси, 1 уй

Банк реквизитлари

х/р 20210000500129657001, Тошкент вил., АИТБ «Ипак йўли банк» Янгийўл тумани филиали, банк коди 01081

Қайси корхона томонидан тайёрланди

“Кимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” акциядорлик жамияти

Юридик манзил

100 170, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-й

Телефон/факс:

тел: 998 (71) 211-09-09(160)

Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар

Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома рақами: 000979-03, 02.09.2008 й.

Банк реквизитлари:

х/р 20208000804014949001, Тошкент ш., АИТБ “Ипак Йули” Миробод филиали, банк коди 01101

Бош директор

Абдужаббаров Шерали Янгибаевич

Баҳолашда иштирок этган мутахассиснинг фамилияси, исми ва отасининг исми

Абсаламов Э.Б.

“BIOKIMYO” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулоса “Кимматли қоғозлар марказий депозитарийси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Марказий депозитарий) томонидан тайёрланди.

Марказий депозитарий “Кимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги “Кимматли қоғозлар марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари

тўғрисида”ги 263-сонли қарори, Устав хамда бошқа норматив-ҳукуқий ҳужжатларга мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширади.

Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ Марказий депозитарий акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга мустақил ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Жамиятда корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил холисона фикрни шакллантириш баҳолашни ўтказишнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси (ҳозирда – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги) ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази (ҳозирда – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби) томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган саволнома асосида ўтказилди.

Марказий депозитарий фақат Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Жамият тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган ҳужжатларнинг, маълумотларнинг ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончлилиги текширилмади ва баҳсласиленмади. Баҳолаш амалга оширилгандан кейин Марказий депозитарийга келиб тушган, ёки қандайдир сабабларга қўра тақдим этилмаган ҳужжатлар Марказий депозитарийнинг кўриб чиқиши доирасига киритилмади.

Марказий депозитарий Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли деб ҳисоблайди.

2023 йил якуни бўйича Корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолашнинг натижаси 1069 бални ташкил этди ва, Марказий депозитарийнинг хуносасига мувофиқ, Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси **юқори** деб эътироф этилади.

Бош директорнинг
биринчи ўринбосари в.в.б.



А. Юсупходжаев